



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 217 (11.278)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ
бир кунни
Янгиликлар, воқеалар

Касба
сатрларда

● **ЁШЛАР** ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Республика «Меҳр нури» жамғармаси ҳамкорлигида иқтидорли ёшлар ўртасида ташкил этилган «Таълим грантлари» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● **ШАХРИМИЗДА** молия соҳаси мутахассислари иштирокида ўтказилган тадбир микрокредит ташкилотларини микроолияштирашнинг аҳамиятига бағишланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида иқтидорли қизлар ўртасида уюштирилган «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг Шайхонтоҳур туман босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● **ЧИЛОНЗОР** туман ҳокимлигида қишки мавсумга тайёргарлик масаласига бағишланган тадбирда туман фаоллари иштирок этишди.

● **ШАХРИМИЗДА** шифокорлар иштирокида тери-таносил касалликларини даволашнинг замонавий усулларига бағишланган ўтказилган анжуман Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан уюштирилди.

● **МУКИМИЙ** номидаги Ўзбек Давлат мусикали драма театрида атоқли режиссёр Носир Отабоев фаолиятига бағишланган адабий кеча ўтказилди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманида маданият ва спорт ишлари бўлими Касаба уюшмаси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда мусика мактаблари ва маданият уйларида таълим олаётган имконияти чекланган болаларни моддий, маънавий қўллаб-қувватлаш ҳақида сўз борди.

● **КЕЧА** Миробод туманидаги Фафур Фулом номида маданият уйи тўғрақлари, ўқув курслари катнашчилари иштирокида уюштирилган тадбир Ёшлар йилгига бағишланди.

● **УЧТЕПА** туманида тумanning фаол аёллари иштирокида хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ҳоллари содир этилишининг олдини олиш, аёлларни ёт гоғлар таъсиридан асраш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг
Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз
хабарларидан).

ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР ҲАМДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАЛАРИ БОР. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИ ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ЭСА ҲАР БИР КОРХОНА МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЎЗ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШ ЙЎЛИДА ОЛГА ИНТИЛАР ЭКАН, АВВАЛО ТАЙЁРЛАЁТГАН МАҲСУЛОТИ СИФАТИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТАДИ.

Саноат

ИНТИЛАГАНГА ТОЛЕ ЁР



Пойтахтимизда 1999 йилдан буюн фаолият юритаётган «Мет-фур-сервис» масъулияти чекланган жамиятининг аҳил жамоаси ҳам ички бозоримизни сифатли ва рақобатбардош металл фурнитурга буюмлари, шунингдек, харидоригир халқ истеъмоли моллари билан тўлиқ таъминлаш йўлида ғайрат-шижоат олиб меҳнат қилиб, рўзгорларга барака киритишмоқда.

— Ҳар қандай корхона муваффақиятини таъминлаш, — дейди мазкур жамият бошқаруви раиси Шавкат Халилов, — ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг харидоригирлигига бевосита боғлиқ,



бу давр талаби. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, юртимиз иқтисодиётида кичик корхона ва хусусий тадбиркорлик субъектлари муҳим, халқ қилувчи логонани эгаллаб туришибди. Уларнинг фаолият эркинлиги таъминланмоқда. Яъни, меҳнат қилишлари учун етарли шарт-шароит ва ҳуқуқий ҳимоя давлатимиз томонидан таъминланган. Биздан ўз навбатида чўқур билим, ташаббускорлик, ғайрат-шижоат талаб этилади.

— Дарҳақиқат, ушбу корхона целлари кейинги йилларда замонавий хорижий технология линийалар, дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланмоқда. Уларни маҳаллий

кадрлар бемалол бошқариб, жамият муваффақиятини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Масалан, жорий йил бошида Хитой давлатидан келтирилган юксак самарали дастгоҳлар маддаида корхонада баракали меҳнат қилаётган 80 нафардан зиёд илчи-хизматчилар 9 ойлик кўрсаткичларга кўра 698 миллион сўмлик сифатли металл-фурнитурга буюмлари ишлаб чиқарди. Шу йил охиригача Хитойдан шартнома асосида 160 минг долларлик замонавий дастгоҳ ва ускуналар ҳамда сифатли хом ашё келтирилиши ҳам режалаштирилган.

Хозирда жамият тадбиркорларининг самарали саъй-ҳаракатлари, малакали илчи-хизматчиларнинг меҳнати маҳсули бўлган 60 турдан ортиқ маҳсулотлар — фурнитурга буюмлари ва харидоригир халқ истеъмоли моллари тайёрланмоқда. Уларнинг асосий буюртмачилари сафи йил сайин ошиб бораётгани эса корхона жамоаси сифатга асосий эътибор қаратаётганидан ёрқин далолат ҳисобланади. Республика Мудоффа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Асакадаги автомобил ишлаб чиқарувчи завод (автомобилсозларга жамоа ҳозирда эътиёт қисмлар-

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термиз шаҳрида Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида давра суҳбати ўтказилди. Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ушбу тадбирда Сурхондарё вилояти ва шаҳар ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши бўлими ҳамда таълим муассасаларининг талабалари иштирок этди.

● Андижон вилоятида «Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўрик-танловининг минтақавий босқичи якунланди. Танлов натижаларига кўра Андижон вилояти Хонобод шаҳри «Анхор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Кароматхон Мўминова ғолиб чиқди.

● Бувайда тумани марказидан қарийб 15 километр олисда қад ростлаган тиббиёт йўналишидаги коллеж қишлоқ қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Миллий ва замонавий меъморчилик услублари уйғунлигида бунёд этилган ушбу билим маскани қурилиши учун 1 миллиард 835 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Қурилиш-монтаж ишларини 133-хўжалиқлараро механизациялашган кўча корхона бунёдкорлари амалга оширдилар.

● Пиллани қайта ишлашга ихтисослашган «Бухоро-Хвашен» кўшама корхонасининг экспорт салоҳияти ошиб бормоқда. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган мазкур корхона жорий йилнинг ўтган даврида 1 миллион 202 минг АҚШ доллари миқдоридида ипак толасини экспорт қилди. Йил охирига қадар эса яна 264 минг АҚШ доллари миқдоридидаги маҳсулот хитойлик буюртмачиларга етказиб берилди.

● «Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ «Камолот» ЁИХ Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ташаббуси билан «Камолот шахмат тахтаси» турнири ўтказилди.

● Қашқадарё вилоятининг Камаш туманида ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази очилди. Бу ерда ёшлар бир неча тўғрақлар ва касб-хунар ўргатиш бўйича бепул курсларга қатнашлари мумкин бўлади. Ушбу хайрли ишга туман ҳокимлиги, аҳоли бандлигини таъминлаш маркази ва «Камолот» ЁИХ ўз-қош бўлишди.

● Италиянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси томонидан Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетига мазкур мамлакат тарихий ёдгорликларига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Россияда Халқ бирлиги кунини умуммиллий байрами тўртинчи бор кенг миқёсда нишонланди.

● Латвия Сейми (парламенти) фракциялари Кенгаши мамлакатдаги оғир иқтисодий вазият муносабати билан 2009 йилдаги парламент бюджетини 3,3 миллион лат (6,6 миллион АҚШ доллари)га қисқартиришга қарор қилди.

● Хитой ва Тайвань ҳар иккала мамлакатни ажратиб турувчи Тайвань кўрфази орқали йўловчи ва юк авиа ҳамда денгиз ташувлари ҳажмини ошириш тўғрисида битим имзолади.

● Эрон парламенти мамлакат ташқи ишлар вазири А.Карданини вазифасидан озод этди.

● Грузияда кўзқорин маҳсулотини сотиш таъқиқлаб қўйилди. Мамлакат қишлоқ хўжалиги вазири Бакур Квезеренинг айтишича, Грузияда кўзқориндан оммавий захарланмиш ҳолати кузатилгандан сўнг шундай қарорга келинган.

● Кеча Таиланднинг Нархиват вилояти ҳудудида учта кўпорувчилик ҳолати содир этилди. Портлаш оқибатида 62 нафар киши зарар кўрган. Маълумотларга кўра, портловчи воситалардан бири чойхона яқинида, иккинчиси эса мева бозори ёнидаги автомобил тўхташ жойида ўрнатилган экан. Мазкур кўпорувчилик ҳаракатлари ислом айирмачилари томонидан ташкиллаштирилган бўлиши мумкин, дея таҳмин қилинмоқда.

● Буюк Британияда Лондоннинг Брайтон-гача бўлган салкам юз километрлик масофа бўйлаб 1905 йил 1 январгача чиққан қадимий автомобилларнинг пойгаши ўтказилди. Унда 500 га яқин ноёб машиналар қатнашди.

● Япониянинг Хоккайдо оролида Рус маркази очилди.

● «Сотбис» аукцион томонидан Нью-Йоркда абстракция усулида ижод қилган машҳур рессом Казимир Малевич томонидан ишланган сурат 60 миллион доллар нарҳда савдога қўйилди.

● Корея Республикасига тегишли иккита ҳарбий самолёт ҳавода ўзаро тўқнашиб кетди. «Ассоциэйтед Пресс» ахборот агентлиги хабарига айтилишича, фожеа мамлакат пойтахти Сеулдан 46 километр шимолда жойлашган Хочхон шаҳрида юз берган. Самолётлар ўқув машқларини ўтказётган вақтда бир-бирига урилиб кетган бўлиб, улардан бири шоли майдонига қулаб тушган, иккинчиси эса қароргоҳга қайтишга муваффақ бўлган. Мамлакат қуроли кучлари вакили бу воқеадан тинч аҳоли зиён кўрмаганлигини таъкидлади.

Бугун мамлакатимизда йигирмадан ортиқ интернет-дўконлар гилам буюмларини тартиб, қурлиш материаллари ва маиший техникагача бўлган турли маҳсулотларни тақлиф этмоқда. Бу борада маҳсулотлар сифати ва уларни уйингизга етказиб бериш кафолатланади. Харид қилинган маҳсулот ҳақини тўлаш учун нақд пул бўлиши ҳам шарт эмас. Ҳисоб-китобни электрон ҳисоб-рақам орқали амалга ошириш мумкин. Бундай имкониятни «eKartop» интернет тўловлари тизими оператори - «eKartop Group» компанияси тақдим этмоқда. Ушбу тизим жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш бўйича тажриба лойиҳаси сифатида мамлакатимиз ҳукумати томонидан тасдиқланган.

МОБИЛ КАРМОНДАН МАСОФАВИЙ ТЎЛОВЛАР

— Ўзбекистонда электрон тижорат жадаллик билан ривожланмоқда, — деди ЎЗА мухбирига «eKartop Group» масъулияти чекланган жамият бош директори Дилшод Абдуқодиров. — Давлатимиз раҳбарининг мамлакатда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қатта эътибор қаратаётгани тўғрисида бугунги кунда электрон тижорат савдо-сотикнинг одатий шаклига айланмоқда.

«eKartop» тизими электрон тижорат иштирокчиларига Интернет тармоғи орқали, шахсий электрон рақамли имзони қўллаган ҳолда, товарларни зудлик билан харид қилиш, сотиш ёки хизмат кўрсатиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, фойдаланувчиларнинг электрон кармонларининг хавфсизлиги кафолати ҳисобланади. Калитлар сертификати «Multisoft Solutions» компаниясининг Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан берилди.

«eKartop» интернет-тўловлари тизимининг фаолияти бўйича ўтказилган мониторинг натижасида олинган статистика маълумотларига кўра, харидорлар «онлайн»-харид тизими орқали кўпроқ маиший ва компьютер техникаларини сотиб олмақда. «Онлайн»-савдонинг барча қулайликларини эътиборга оладиган бўлсак, аҳоли

ва бизнес вакиллари томонидан бунга қизиқиши ортиб бораётганини кўриш мумкин. Бу эса «eKartop» тизими фойдаланувчилари сони кўпайишига сабаб бўлмоқда. Айни пайтда тизим томонидан тақдим этилаётган хизматлар нафақат вақтни, балки моддий ва инсон ресурсларини ҳам тежашга ёрдам бермоқда. Хусусан, фойдаланувчилар маҳсулотларини интернет-дўконлардан сотиб олиши, коммунал, мобил алоқа, интернет-провайдер хизматлари учун тўловларни амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишончли ва қонуний электрон савдо-сотикни ривожлантириш мақсадида жорий йилнинг июлидан маҳсул кенг қўламли тадбир бошланган эди. Мазкур тадбир довомида хўжалик юритувчи субъектларга «eKartop» тизимига уланishi бўйича пакетли ечим мўлақо бепул тақдим этилмоқда. Пакетга интернет-дўконнинг тайёр дастурий таъминоти, домен номи, сервер макони (хостинг), «Multisoft Solutions» масъулияти чекланган жамияти Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказининг «eKartop» тизими орқали товарларни ёки хизматларни «онлайн»-сотишда электрон шартномаларни тузиш учун зарур электрон рақамли имзо киради.

Тадбиркорлар билан уларга бепул интернет-дўконларини тақдим этиш

бўйича шартномаларни тузиш ишлари давом этмоқда. Бундан ташқари, «eKartop Group» масъулияти чекланган жамиятининг ҳамкорлари ҳисобланган «Micro Design» компанияси ва «Trinity» дизайн-студияси Ўзбекистон бизнес вакилларига «eKartop» тизимига уланган интернет-дўконларни тақлиф этмоқда. Ушбу дўконлар «IS-Bухгалтерия» дастурига интеграциялашув орқали корхонанинг ички бухгалтерлик ҳисобида интернет-сотуви автоматик тарзда акс эттириши имконини беради. Мазкур дастурий ечим UzNETда «онлайн»-савдоларни амалга оширишда зарур бўлган барча талабларга жавоб беради.

Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида агентлик шохобчалари тармоқлари кенгайтирилмоқда. «eKartop Group» масъулияти чекланган жамияти республикамиз тижорат банклари, «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти ҳамда дилерлик тармоқларига эга фирмалар билан агентлик шартномаларини тузмоқда.

Компания республикамиз ҳудудида электрон тижорат инфратузилмасини ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Яқинда мижозларга «eK Mobile» - «Мобил кармон» хизмати тақдим этилди. «eKartop» тизимини қўллашнинг қулайлиги, фойдаланувчиларнинг шахсий электрон ҳисоб-рақамларини бошқариш ва мобил телефон ёрдамида тўловларни дарҳол тўлаш имконияти ушбу англиянинг ўзига хос афзаллиги ҳисобланади.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

КИМЁ САНОАТИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЯРМАРКАСИ

«ЎЗКИМЁСАНОАТ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИДА МИНЕРАЛ ҲИСОТЛАР, ДЕФОЛИАНТЛАР, ҲИСОТЛАРИНИНГ КИМЁВИЙ МУҲОФАЗАСИ ВОСИТАЛАРИ ЯРМАРКАСИ БОШЛАНДИ.

Ярмарканинг очилишида «Ўзкимёсаноят» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси ўринбосари Ҳ.Шерматов мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида кимё санаятини барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, энергияни тежайдиган ҳамда экологик тоза технологияларни жорий этиш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 27 июлда қабул қилинган 2007-2011 йиллар мобайнида кимё санаяти корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига оид қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бешинчи бор ташкил этилган мазкур ярмаркада Кўнғирот сода заводи, «Максам-Чирчик», «Самарқандкимё», «Навоийазот», «Аммофос», «Кўкюн суперфосфат заводи», «Фаргонаазот», «Жиззахпластмасса» очик акциядорлик жамиятлари сингари юртимизнинг ўндан ортиқ корхонасида ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар, аммофос, суперфос, суперфосфат, карбамид каби бир юз эллик турга яқин маҳсулот намойиш этилмоқда.

— 2007 йили ўтказилган ярмаркада корхонамизда ишлаб чиқарилган ўттиз турдан ортиқ маҳсулот билан қатнашиб, 17 миллиард сўмлик шартнома имзолаган эдик, — дейди Навоийдаги «Электромизэводи»нинг тайёр маҳсулотлар сотиш бўлими бошлиғи Исмаилов Жумаев. — Утган бир йил мобайнида корхонамизда маҳсулот тури ва ишлаб чиқариш ҳажми янада кўпайди. Ушбу кўргазмада эллик турдаги маҳсулотни намойиш этялган. Ярмарка довомида 30 миллиард сўмлик шартнома тузиши режалаштирилган.

7 ноябрдан давом этадиган мазкур ярмаркага ташриф буюрган қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари ва фермерлар кимёвий препаратлар ва минерал ўғитларни сотиб олиш бўйича музокаралар олиб бормоқда.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

БУТУН РЕСПУБЛИКАДАГИ КАБИ, ПОЙТАХТИМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА ҲАМ ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИГА САЙЛОВЛАР БОШЛАНДИ. ШУ КУНГАЧА 35 ДАН ЗИЁД ҲАМ ҲАМ ФУҚАРОЛАР БОШҚАРИШ МАҲАЛЛИЙ ОРГАНЛАРИГА САЙЛАНГАН ЯНГИ РАЙСЛАР ҲАМ ВАКОЛАТЛАРИДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШГА КИРИШИШГА УЛГУРДИ ҲАМ. КЎПЧИЛИК ЭЪТИРОФИ БИЛАН ОҚСОҚОЛИККА ҚАЙТА — ТЎРТИНЧИ МАРТА САЙЛАНГАН ҒАФУР ҒУЛОМОВ ҲАМ ШУ ҚАТОРДА МАҲАЛЛАДОШЛАРИНИНГ ИЛК ТОПШИРИҚЛАРИНИ БАЖАРИШ УСТИДА БОШ ҚОТИРМОҚДА.

Фуқаролар йиғинларига сайлов

МАҲАЛЛАДОШЛАР ИШОНЧИ

— Фурсат келганида, яна бир бор барчага менга билдирилган катта ишонч учун миннатдорчилик билдирмоқчиман, — дейди Ғафур Ғуломович. — Гувоҳи бўлганингиздек, сайлов йиғилишида маслаҳатчилар таркибидан ҳар бир уйдан вакил, яъни 28 киши бўлсин деган тақдир киритилди. Маҳалламизда 3380 фуқаро истиқомат қилади. Номзод сифатида сайловга тайёргарлик кўриш чоғида, шунингдек аввалги йилларда орттирган тажрибамга суянган ҳолда, 15 та йўналиш бўйича маслаҳатчилар юзасидан фикр билдирдим. Бу борада аҳолининг ҳар бир уй бўйича вакил сайлаш тақдирини, албатта, мантиқан ўринли. Шу боис яқин кунларда режалаштирилган фуқаролар йиғини йиғилишида кўпчилик тавсиясига биноан кимнидир комиссия таркибига, бошқаларни эса кенгаш аъзоллигига сайлаш орқали ҳар бир уйдан фаолларни аниқлаб оламиз. Мақсад, сайловчиларим фикри билан айтганда, ҳар бир уйдан ҳақондан эгалари ўз вақили орқали фаолиятимиз хусусида тўлиқ ахборотга эга бўлишни таъминлашдир.



Ғафур Ғуломов, айтиб ўтилганидек, оқсоқолик вазифини биринчи марта бажармапти. Маҳалладошларнинг гапига қараганда, у ҳар қандай мурожаат бўйича масалаларни тезкор, эртаги кунга қолдирмасдан ҳал этишга ҳаракат қилади. Бунга, дарҳақиқат, биз сайлов кунинда ҳам амин бўлдим. Ғуломовнинг айнан шу хусусияти янги мuddатга номзодларни танлашда устун келгани, шубҳасиз: унинг номзоди кўпчили-

томонидан тақлиф этилди. Дароқе, ўз ичига талай вазибаларни қамраб олувчи бу вазибалар интилаётганлар сафи учна ҳам кўп эмаслиги бизни бироз ўйлантирди. — Бугунги кунда ўзгариш ғаму ташвишдан иборат оғир юкни кўтаришни ҳамма ҳам удалай олмас-



ёрдан берганлар. Раисликка номзодларни танлашда айрим фуқаролар менга ҳам тавсия этилди. Ғафур Ғуломович ҳам ўзларига муносиб муқобил кўриб, сайловда ўзимни синаб кўришим яхши имкониятларни насиҳат қилди. Бироқ маҳалладошларим, устозимнинг

ни жамлаган ҳолда, айтиш мумкинки, шу кунларда, хусусан, Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги маҳалланинг ҳам тақдирини ҳал бўлди. — Нима учун дейсизми? Очигини айтман, биз, жумладан, иккинчи уйда истиқомат қилувчилар, агарда бошқа бирон-бир киши кўпроқ овоз тўпласа, маҳаллада бошланган хайрли ишлар ярим йўлда қолиб кетади, деган ўйлар билан анча хавотирга тушгандик, — деди солиқчи мизга жавобан Жамила она Қосимова. — Албатта, сайлов — қонун талаби, ўтказилиши шарт. Лекин агарда ҳаммамиз маҳалла фаоллигини учун амалда бўлган оқсоқол ишларни давом эттиришни истайдиган бўлсак, сайлов жараёнини янада соддалаштириш мумкин эди... Кўриб турганингиздек, барибир кўпчилик Аброровга овоз берди.

Сайлов бошланишидан бироз аввал ҳам, кейин ҳам биз уйлар оралаб аҳоли билан суҳбатлашдик ва деярли ҳар бир киши нафақат сайлов, балки

ушунга маҳалла фаоллари га доир ахборотга эга эканлигидан мамнун бўлдик.

— Сайлов пайтида оқсоқол каттага ҳам, кичикларга ҳам бирдай намуна бўла олади, деган фикр шунчаки айтимдик, — таъкидлаб ўтди Хусниддин Олимжўраев. — Балки, кимгадир бу арзимас туюлиши мумкин, аммо раисимиз ҳақиқий оқсоқол ёшида бўлсалар ҳам, масалан, бирон-бир ерда ахлат уюми тўпланиб қолганини курсалар, бировага буюриб эмас, ўзлари тегишли жойга чиқариб ташлайдилар. Баҳор мавсумида экилган ниҳолларнинг ҳаммаси буй чўзгани ҳам фақат Зиёвдин ақанинг хизматидир. Ҳеч қанда қилмай оилалари билан кўчаларни кунда-кунора сўғорганлари боисидир. Албатта, бу билан биз кузатувчи бўлиб турамиз демократ эмасман, кетларидан каттаю кичик эргашади, аммо муҳими сўз билан эмас, балки амалда ўрнатилган бўлишидир...

— Зиёвдиндин ака ўта маданиятли инсон, — деди маҳалладошнинг фикрини давом эттириб Шукр Аширов. — Ҳаттоки вазият тақозо этса ҳам, ҳеч қачон кимнидир қўяганини, баланд овоз билан гапирганларини билмайман. Фақат маслаҳат солдилар ва айтиб ўтилганидек, шахсан ўрнатилган бўлиб, низоли масалаларни ҳам ҳал этидилар. Кизиги шундаки, кимки биринчи марта маҳалламизга ташриф буюрса, ҳар сафар оқсоқол ким деб савол беради. Бежиз эмас: бизнинг маҳалламиз — энг озода, энг обод, энг кўркем...

Мирзо Улуғбек номидаги маҳаллага берилган бу таъриф шунчаки эмаслигига биз ҳам амин бўлдик. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги муносабати билан республикада биринчилардан бўлиб Зиёвдиндин Аброровнинг «Меҳнат шукрати» ордени билан тақдирлангани маҳалла-қўйнинг хизматлари давлат даражасида эътироф этилгани билан баробар. Қолаверса, бу йил маҳалла учун айниқса Нурафшон келгани, шу ҳудудда жойлашган Астро-

ДОЛЗАРЪ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

ЁШЛИК ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИДА «МИЛЛИЙ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА УНДА ЗАМОНАВИЙ САЙЛОВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ» МАВЗУСИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультетининг «Ёш сиёсатшунослар» клуби ва «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 2009 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Сенати ва маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлар ва уларга тайёргарлик кўриш жараёнлари ҳақида сўз борди.

Анжуманда номзодларнинг саралаш механизми, сайлов олди кампанияларини олиб бориш технологиялари, сайловда аёллар ва ёшларнинг иштироки, сайлов жараёнидаги абсентеизм муаммолар, сайловларда аҳолининг фаоллиги ва бу борада хорижий давлатлар тажрибаси, сайлов институтининг ташкил этилиши, парламент тизимлари тўғрисидаги масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, мазкур тадбир ёшларнинг сайлов институти тўғрисидаги билим ва кўникмаларини янада яхшилашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Унда турли олий ўқув юрларида таҳсил олаётган талабаларнинг ўз маърузалари билан иштирок этгани эса ёшларнинг сиёсий фаоллигидан далолат беради. «Сиёсатшунослик» йўналиши 4-босқич талабаси Насиба Турғунбоевнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва унинг маслаҳатчилари сайловларига тайёргарлик жараёнлари, сайловда сиёсий партияларнинг иштироки, миллий сайлов қонунчилигининг шаклланишига оид масалаларга бағишланган маърузаси анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Ёшлар ташаббуси билан ўтказилган илмий-амалий анжуман қизиқarli баҳс-мунозараларга бой бўлди. Бундай тадбирлар ёшларнинг илмий салоҳияти ва сиёсий фаоллигини янада ошириш имконини беради.

Ботир МУСУРМОНОВ «Туркестон-пресс»

Иқтисодиёт

ЭКСПОРТБОП ЭЛЕКТР МАҲСУЛОТЛАР

ИСТИҚЛОЛИМИЗ ШАРОФАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДЛАРИДА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. УШБУ СОҲАДА НАФАҚАТ ҲАМЮРТЛАРИМИЗГА, БАЛКИ ХОРИЖИЙ ҲАМКОР — ИНВЕСТИТОРЛАРГА ҲАМ ЕТАРЛИ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ ТАЪМИНЛАНМОҚДА.

Шулар қаторида «NVA» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасининг алоҳида ўрни бор. Мазкур корхона тадбиркорларининг самарали саяёҳаракатлари, ишчи-хизматчиларнинг касб-маҳорати туфайли цехларда сифатли ва рақобатбардор электртехник маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, паст волти қурилмалар — ИПНО, КЗНА, У614, ЯБПУ, АВР, ШЛК1100, ВРУ каби ёруғлиқни бошқариш, ҳисобга олиш, кути, электр шкафлари ва кўплаб турдаги ностандарт дастгоҳлар буюртмачилар хоҳишига қараб тайёрланади.

Шунингдек, ушбу корхона жамоаси ҳозирда электрмонтаж қурилмалар ишлаб чиқариш билан бирга, «SITAX» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда трансформатор подстанциялар тўпламларини ишлаб чиқаришни муваффақиятли йўлга қўйди. Бутун республика бўйлаб тарқалган буюртмачилар билан бирга, ўтган йилдан эътиборан қўшма корхона маҳсулотлари «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги билан Афғонистон ҳамда Қозғистон давлатлари га экспорт қилинмоқда.

Эътиборли томони, корхона тадбиркорлари доимий изланишда, янги ҳамкорлар топиш, буюртмачилар сафини кенгайтириш устида меҳнат қилишмоқда. Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаётган жамоа аҳли, шубҳасиз режавий ишларини амалга оширади.

САМАРАЛИ ДАСТУР АСОСИДА

ШИДДАТКОР АСРИМИЗДА АХБОРТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИСИЗ ҲЕЧ БИР СОҲАНИ ТАСАВВУР ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ. «MIKROSOFT» КОМПАНИЯСИ КИЧИК КОРХОНАЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯЛАРИ УЧУН АВТОМАТЛАШГАН ТИЗИМГА ЎТИШНИНГ ДАСТУРЛАРИНИ ЯРАТИШ СОҲАСИДА ЕТАКЧИ ҲИСОБЛАНДИ.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ва аудиторлар ассоциацияси талабларига қатъий риоя қилган ҳолда яратилган дастурлар ҳисоб юритиш, маош ҳисобини тузиш, молиявий натижаларнинг шаклланиши, кўпгина ҳисобларни яратиш дастур имкониятларини кўрсатади.

Эътиборли томони, мазкур дастур иккита тил: ўзбек ва рус тилларида ишлаш имкониятини беради, улар орасида алмаштириш имконияти ҳам мавжуд. Internet орқали дастурни автоматик янгилаш; электрон имзолаш орқали ҳужжатларни имзолаш имкониятини яратиш; банклардаги операциялар ва кўчирмаларнинг шаклланиши ҳақида маълумотларни, харидор-банк тизимида интеграциялашни автоматлашган ҳолда олишни келгусида амалга ошириш компания режасига киритилган.

(Ўз мухбиримиз)

ЖОЙЛАРДА БЕВОСИТА МУЛОҚОТЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА МЕТРОЛОГИЯ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛАГА УЛАРИНГ ҲУҚУҚ ВА ВАЗИФАЛАРИНИ ТУШУНТИРИШ, ҚОНУНЛАРНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН ЖОЙЛАРДА БЕВОСИТА МУЛОҚОТЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ МАҚСАДИДА КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА БИР ҚАНЧА ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

Жумладан, Тошкент шаҳар Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси ташаббуси билан «Ёшлар йили» Дастурига асосан Тошкент Давлат техника университети коллежи мажлислар залида «Сиз доимо эъзоздасиз, устозлар» мавзусида байрам тадбири ташкил этилди. Тадбирда коллеж ўқувчилари, Тошкент шаҳар Стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг раҳбарияти ва ходимлари иштирок этди. Тадбир давомида Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»-ги, «Метрология тўғрисида»-ги, «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»-ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонунлари бўйича тушунтиришлар олиб борилди ва савол-жавоблар бўлди.

Миробод тумани ҳокимияти кичик мажлислар залида эса Тошкент шаҳар Стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, бошқарма ходимлари, Тошкент шаҳар Савдо саноат палатаси ходимлари ва туман ҳокимияти вакиллари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»-ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонунларини ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб ва статистика тизими»га ўтиш Давлат дастури тўғрисида»-ги 433-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»-ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги ПФ 3434-сонли «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги шунингдек, касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги Фармонлари ижроси ва амалдаги қонунлар бўйича семинар ўтказилди. Ушбу тадбир ҳам жонли бўлиб, ўринли фикрлар ва савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

(Ўз мухбиримиз)

Фармон ва ижро

ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

ЮРТБОШИМИЗНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН ИККИНЧИ БОР ЎТКАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА САНОАТ ЯРМАКАСИ ВА КООПЕРАЦИОН БИРЖАДА ЮРТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН 270 ДАН ЗИЁД КОМПАНИЯ ВА КОРХОНА 1 ТРИЛЛИОН 400 МИЛЛИАРД СЎМЛИК 1440 ТАДАН ОРТИҚ ШАРТНОМА ТУЗИШГА МУВАФФАҚ БЎЛДИ.

Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрда эълон қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони мамлакатимиз саноат корхоналари ўртасида ўзаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Яъни, кейинги йилларда республикамизнинг иқтисодий салоҳияти ривожланиб бораётгани қувонарли ҳол бўлиб, мазкур саноат ярмаркасида юртимизда фаолият юритаётган йирик компания ва корхоналар, хусусий бизнес субъектлари — маҳаллийлаштириш дастури асосида меҳнат қилаётган, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг эришаётган ютуқларининг гувоҳи бўлдим.

— Кооперацион биржада жорий йилги иштирокимиз фоят самарали кечди, — дейди «Осий комплессорфильтер» масъулияти чекланган жамияти бошқарув раиси ўринбосари Жавлонбек Равшанбеков. — Боиси, ишчи-хизматчиларимизнинг меҳнат маҳсули бўлган сифатли филтратларимизга тоғ-металлургия комбинатлари, нефть саноати корхоналари каби кўплаб таъминотлар қизиқиш билдириб, ҳамкорликка қорлашди.

Ҳозирги кунда мазкур корхона аҳли юк ташувчи ҳамда енгил автомобиллар (КамАЗ, БелАЗ, «Нексия», «Дамас» ва бошқалар) учун импорт ўрнини босувчи ёниги ва ёғ филтратлари ишлаб чиқаради. Шунингдек, ушбу маҳсулотлар «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясининг тепловозларида ҳам синиб қурилган ҳамда юқори баҳолаб сазовор бўлган. Жамият аъзоларининг ютуқларида цехларда



ўрнатилган юқори самарали хорижий технология, дастгоҳ ва усқуналар ҳақиқий маддакор бўлмоқда.

— Олдинги ярмарка ва кооперацион биржадан буюн корхонамиз ўн хилдаги (беш хиллини эндигина оммавий ишлаб

чиқаришга татбиқ этдик) маҳсулот тайёрлашни ўзлаштирди, — дейди «Мет-фур-сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шавкат Халилов. — Булар «Ўзавтосаноат» тизимида очилган корхоналарда четдан келтириладиган импорт ўрнини босувчи товарлар бўлиб, сифати хорижикидан асло қолишмайди. Ҳозирги кунда корхонамиз меҳнат жамоаси 240 номдаги харидориги фурнитур буюмлари ҳамда енгил автомобилларга зарур эҳтиёт қисмлардан бир ойда 170 миллион сўмлик ишлаб чиқармоқда. Истиқбол режада эса 2009 йилда «Мет-фур-сервис»чилар бу курсаткичи 250 миллион сўмга кўтаришни мақсад қилганларини алоҳида таъкидлаш ўринли, албатта.

Мазкур саноат форумида ҳар бир иштирокчига ўзини қизиқтирган тармоқ ҳақида тўлиқ маълумот олиш, ҳамкорлик юзасидан музокаралар ўтказиш, битим ва шартномалар тузиш учун барча қўлайликлар яратилгани унинг самарали ўтишига хизмат қилди. Бизнинг корхона ҳам ушбу ярмарка ва кооперацион биржа фаолият юритган кунлар мобайнида ўнга яқин шартнома имзолагани фикримиз далили ҳисобланади.

— Кейинги йилларда, — дейди хусусий тадбиркор Мадамин Мирсодиқов, — нафақат йирик компания, кичик корхоналар, балки биз каби хусусий бизнес вакиллари ҳам ушбу кооперацион биржада ўз маҳсулотларимиз билан қатнашиб, ҳамкорлар топиш, битимлар тузиш, шартномалар имзоланиши таъминланаётгани эътиборга молик, албатта. Маҳаллийлаштириш дастури асосида импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқариш сезиларли ошганлигини кўриб, беҳад мамнун бўлдим. Юртдошларимизнинг самарали саяёҳаракатлари элимиз фаровонлигини ошириб, юртимизнинг иқтисодий салоҳияти юксалишига хизмат қилади. Йилдан-йилга «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги билан ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари жаҳон бозорини мустаҳкам ўрин эгаллашга умид кучаймоқда.

Салкам бир ҳафта давом этган ушбу саноат форуми ўз ўрнини тармоқлараро ҳудудий ярмаркаларга бунтади.

МУКАДАС УМАРБЕКОВА СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперацион биржадан лавҳалар



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ХИКМАТЛАР

Турли асарлардан

(Шоислом Шомухамедов таржимаси)

Хаамиша гуссаю гам дилни ўрар чечакдек,
Хар кимки барча бирла бадхулқлик этса зоҳир,
Зиндонбонга айтиб, зиндон қилмоқ на ҳожат?
Ўз териси ўзига зиндон эмасми, ахир!

Агар чиқса адолатнинг қуёши,
Таралгай ҳар томон нури — зиёси.
Агар зулм этса золим, бу ситамдин
Жаҳон бўлгачи қаро, йўқ интиҳоси.

Шаҳру қишлоқ обод адлдан,
Жаҳон таъби кўп шод адлдан.

Адл билан тама — сув билан олов,
Иккисин бир жойда кўрганми биров?

Ҳаётнинг гавҳари ишқдан келади,
Абадий жавҳари ишқдан келади.

Ишқ нурининг жилваси — мардлар дилин жамоли,
Дили гўзал бўлмаган олис жуда севгидан.

Сўз айтсанг, рост гапирмоққа қил одат,
Ростликдан яхши борми зебу зийнат.

Тўғрини де, тўғрини кўр, тўғри юр,
Тўғри гапир, тўғри эшит, тўғри тур.

Ростликдан яхшироқ зийнатни қачон
Қайда кўрди экан бирор билимдон.
Ростликдадур сўзининг хусни камоли,
Тўғриланиб тўлар ойнаинг жамоли.
Эгри-хилолликда нури йўқ асло,
Нур лофин урса-да, кўри йўқ асло.

Рухин ясатмасин ёлгон ранг бўёқ,
Ёлгондан руҳига тушар хира-доғ...

Гар нодон бўлмаса ақлли киши,
Бошқалар қатори бўлмоқдир иши.

Таъна қилма хунук юзимга қараю,
Эй ақлу инсофдан беҳабар киши.
Тан қиндир, аммо — жон қиндаги қилич,
Ўткирлик, кесмоқлик қиличнинг иши.

Ўзга сендан яхши билмас, биродар,
Сени ортик мактаб юборса агар.
Яхшироқ синаб боқ у ёқ-бу ёғинг,
Узатгил кўрпанга қараб оёғинг.

Дарвешдан ҳукмдор сўради: "Нечун
Келмадинг олдимга бунчалик узок?
У деди: "Нимага келдинг дегандан,
Нимага келмадинг, деган яхшироқ!"

Офтоб билан ой ҳам сўз бирла равшан,
Фалак айланганин билгил сўз билан.
Агар сўз бўлмаса бўлмасди қалам,
Баёнда ўз бошин эмас эди ҳам...
Сўздан келур сеҳр ҳам афсун,
Айниқса калима бўлганди мавзун.

Бир шоир ўқиди бемаза газал,
Дедиким: — "Алифсиз ёздим, бу аъло",
Дедимки: — "Энг юксак санъат бўлурди
Шеърингда сўзлар ҳам бўлмаса асло".

Тошюракни юмшата ол мисли мум,
Сендан паноҳ топсин бечора, мазлум.
Айтганинг қайтарар не десанг тоққа,
Ўрарсан ҳар неки эксанг тупроққа.
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗНИНГ ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБАСИ

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ САУДИЯ АРАБИСТОНИ МЕЗБОНЛИК ҚИЛАЁТГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИНИ ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ.

"D" гуруҳидан жой олган ўзбекистонлик футболчилар биринчи турда Йордания ёшлар терма жамоасига қарши тўп сурди. Аҳмад Убайдуллаев шогирдларининг биринчи дақиқада ноқ ҳужумга ўтиши ўз самарасини берди. Ҳамюртларимизнинг дастлабки ҳужумини қайтаришга чоғланган йорданияликлар ҳимоячиси Есир Равашдех ўз жарима майдонини ичида тўпни қўли билан тўхтатиб қолди. Учрашувни бошқарган япониялик ҳакам Хироюши Такаяма томонидан белгиланган пенальтини Россия чемпиони — "Рубин"нинг ўринбосарлар жамоаси ҳужумчиси Даврон Мирзаев аниқ бажарди.

Учрашувнинг қолган вақтида ҳар икки томон бир неча маротаба хавфли ҳужум уюштирган бўлса-да, ҳеч қайси футболчи рақиб дарвозасини ишғол қилиш насиб этмади. Терма жамоамиз аъзоларидан Кенжа Тўраев, Ойбек Қўлиев, Шерзод Каримов, Даврон Мирзаев ҳамда дарвозабон Дониёр Усмоновнинг ўйини кўпчилик мухлис мутахассисларга манзур бўлди.

"D" гуруҳидаги иккинчи беллашувда Австралия терма жамоаси вакиллари тайландлик тенгқурлари билан куч синашди. Кескин ва мурасасиз ўтган баҳсининг йигирманчи дақиқасида Сэм Мурро томонидан киритилган ягона гол австралияликларга 1:0 ҳисобда ғалаба келтирди.

Мусобақанинг иккинчи турида "D" гуруҳи пешқадамлари — Ўзбекистон ва Австралия терма жамоалари ўзаро куч синашди.

Эслатиб ўтамиз, қитъа чемпионати ҳоидасига биноан тўртта гуруҳдан дастлабки икки погонани эгаллаган жамоалар чорак финалга йўлланма олади. Ярим финалга чиққан тўртта терма жамоага келаси йили Мисрда ўтказиладиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Осие қитъаси шарофтини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилади.

ПОЙТАХТЛИКЛАР ҒОЛИБ

ПОЙТАХТИМИЗДА ТЕННИС БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОННИНГ ЁШ ТЕННИСЧИЛАРИ



ҚАЛБАКИСINI АНИҚЛАШ ЙЎЛИ ТОПИЛДИ

Машҳур рассомлар асарларининг қалбаки нусхаларини тайёрлаб сотишдан баъзилар катта бойлик ортиришларини кўп эшитганмиз. Наҳотки бунинг олдини олишнинг иложи бўлмаса?

Ҳакимжон Одилов, Собир Раҳимов тумани. www.mironovostey.uz интернет сайти маълум қилишчи, австралиялик тадқиқотчи бунинг иложини топган. Фарбий Австралия университети кимёгар олимаси Рейчел Грин рассомлар асарларини уларнинг қалбакиларидан ажратиш имконини берувчи технологияни ишлаб чиққан. Бундан буён бадиий мўйқалам асарларига шундай кимёвий имзо қўйиладики, уни ҳеч ҳам ўчириб бўлмайди.

Бундай ўчириб бўлмайдиган имзо учун кимёвий реагентлар аралашмаси рецептини яратишга тадқиқотчи нақ беш йил вақт сарфлаган. Бунинг учун Рейчел рассомлар фойдаланадиган бўёқлардан қолдиган айрим кимёвий моддалар изини аниқлашга ҳаракат қилди. Ана шу ўзига хос "коктейл"ни синтез қилиш асосида моддалар нисбати бир оз ўзгарарди.

Ўз асарларини ҳимоялашни истаган рассом Грин яратган аралашмани бўёқ-

ларига қўшиши мумкин. Бундан ташқари, мазкур коктейль рангсиз бўлиб, уни рассом ўзи яратган асарни устидан пурақши мумкин. Австралиялик рассом Фредди Тиммс биринчи бўлиб шу янги технологиядан фойдаланди.

НОҚУЛАЙЛИКДАН БУТКУЛ ҚУТУЛАСИЗ

Оғиздан келадиган ёқимсиз хиддан қутулишнинг турли йўллари ҳақида гапиряшди. Бу борада бирор янги ва самарали усул бормикин?

Ортиқбой Йўлдошев, Бектемир тумани.

Олий тоифали шифокор-стоматолог Анвар Аҳмедов жавоб беради:

— Кўпинча тишларни вақтида тозалаб юриш тавсия этилади. Лекин бу тадбир хамиша ҳам қўтилган натижани бермайди. Афтдан, америкалик тиббиёт ходимлари ёқимсиз хидни йўқотишнинг энг самарали йўлини топишганга ўхшайди. Бу борадаги билдириб келинган "эски сабаблар"ни ҳам улар инкор этишмайдилар. Чунки, овқат ҳазм қилувчи ички аъзолар касалликлари, диабет, баъзи бир дори-дармонлар, орғинган тишлар ёқимсиз хиднинг сабаби экани маълум.

Лекин... америкалик олимларнинг аниқлашчи, оғиздан келадиган ноҳуш хидга кўпинча... тил сабаб бўларкан. Хулоса қатъий — тилни ҳам худди тишлардай кўн билан тозалаб туриш керак экан. Хозирда тилни тозалаш учун ишлатиладиган махсус мосламалар сотувга чиқарилган. Лекин бунда оддий тиш чўткаси ва пастасидан фойдаланаверши ҳам мумкин. Тилни (чўткада) эҳтиёткорлик билан ай-

лана ҳаракатлар қилиб ёки (махсус мослама ёрдамида) бактерияларни сидириб ташлаётгандай ҳаракат билан тозаланади. Дастлаб бу муолажа гашингизни келтириши мумкин, лекин вақт ўтиши билан кўникиб кетасиз. Тишларингиз ва тилингизни тозалаб бўлганингиздан кейин оғизни сув билан чайқаш керак бўлади. Кейин эса оғиз бўшлиғи учун мўлжалланган ҳар қандай антибактериал эликсир билан ҳам оғизни чайқасиз. Бунинг ҳам мунтазам бажариб бориш керак ва ноқулайликдан бутунлай қутулиб кетасиз.

ФАЗОДАН НИМАЛАР КЎРИНАДИ?

Россиялик ва америкалик фазогирлар олисдан она Еримиз жуда гўзал кўринишини айтишади. Ўзи фазодан нималарни кўриш мумкин?

Зулҳаё Хуррамова, Учтепа тумани.

Бу ҳақда журналистларга фазогир Александр Александров шундай ҳикоя қилган:

— Катталаштирувчи махсус асбобларсиз ҳам анча-мунча нарсаларни кўриш мумкин.— дейди у.— Лекин уларнинг катталиги юзлаб метрга тенг бўлиши керак. Бир вақтлар фазогирлар учун Курганда атайлаб ёзилган махсус сўзлар ёзувидаги ҳар бир ҳарф ўлчовлари 100х50 метрга тенг бўлган. Шунинг учун ҳам орбитал станция бортидан у яхши кўришиб туради. Бу ёзув фазодан хамиша ямийил бўлиб кўзга ташланади.

Оптикани қўлламай туриб, фазодан дарёлар ўзанларини, қўللари, мегаполис (пойтахт) шаҳарларини, жумладан, Москва, Париж, Токио каби улкан ша-

ҚОЗОҒИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАЛАРИ НАВБАТДАГИ РЕЙТИНГ ЖАНГЛАРИНИ ЎТКАЗДИ.

Турнирнинг асосий жангида енгилмас боксчимиз Шерзодбек Олимжонов қозоғистонлик Канат Картебобоева қарши ўн раундлик беллашувда рингга чиқди. Сўнги дақиқагача кескин ва мурасасиз курашлар остида ўтган баҳсда 25 ёшли андижонлик боксчининг профессионал рингда тўплаган тажрибаси қўл келди. Мағлубиятсиз фаолиятини давом эттиратган Шерзодбек Олимжонов текоз ва аниқ зарбалари эвазига рақибини мағлуб этиб, кетма-кет ўн иккинчи ғалабасини нишонлади.

Ўзбек боксчилари — Акмал Мирзаев ва Хуршид Мадаминов, Файзулло Аҳмедов ва Бехзод Шокиров, Зиёвуддин Мамаризаев ва Асрор Сотволдиев ўртасидаги олти раундлик беллашувлар ҳам сўнги дақиқаларгача мурасасиз курашлар остида ўтди. Унга кўра, тажриба ва маҳорат бобида рақибидан устун бўлган Хуршид Мадаминов, Файзулло Аҳмедов ва Асрор Сотволдиев учрашувни ўз фойдасига ҳал қилиб, навбатдаги рейтинг очколарини кўлга киритди.

Султонободлик Шерзодбек Мамажоновнинг пойтахт вакили Сардор Мирзаевдан устунлигини исботлаши учун бир неча дақиқа кифоя қилди. Профессионал рингда ўинчи жангини ўтказётган Ш.Мамажонов иккинчи раундда рақибига бир неча маротаба қучли ва аниқ зарба берди. Оқибатда Сардор Мирзаев техник нокаутга учраб, рақибининг устунлигини тан олишга мажбур бўлди. Яна бир жангда қозоғистонлик Жанат Жакиянов Қирғизистондан келган Рустам Абдуллаевга қарши рингга чиқиб, рақибини тўртинчи раундда техник нокаутга учратди.

Боҳир БЕК



ПРОФЕССИОНАЛЛАР ТОШКЕНДА БЕЛЛАШДИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎТКАЗИЛГАН ПРОФЕССИОНАЛ БОКС КЕЧАСИДА ЎЗБЕКИСТОН,

харларни, энг йирик автомагистрал йўлларни кўриш мумкин. Узунлиги 200 метрдан кам бўлмаган каттақон кемаларни кузатиш имкони бор. Ҳақиқатан ҳам Еримиз фазодан жуда гўзал кўринади...

ҲАР КИМ ЎЗ ИСТАГИЧА...

Халқаро Нобель мукофоти совриндорлари олган пулларни нималарга сарфлашаркин? Ахир улар каттагина маблағга эга бўлишади — айтишларича, бу йилги мукофот пули 1,5 миллион долларни ташкил этган.

Зафар Файзиев, Миробод тумани.

Ишончли манбалардан билдиришларича, ҳар ким мукофотдан ўз истагича фойдаланаркан. Чунки, буюк олимлардан Иван Павлов олган маблағини ўз вақтида Физиология институтини ташкил этишга сарфлаган бўлса, Илья Мечников Париждаги Пастер институтини ривожлантиришга пулини ҳада қилган.

2003 йилги Нобель мукофоти соҳибига академик Виталий Гинзбург эса, мукофотга олган ўз пулини — 400 минг доллар пулдан бир қисмини қизига, яна қанчасинидир набирасига, умр йўлдошига берганини айтди. Мукофотга олган пулининг қолган қисмини у банкда сақлаётган экан. Яна бир россиялик Нобель мукофоти лауреати Жорес Алфёров мукофотнинг ўзига тегишли қисмига Фан ва таълимни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этган.

Ёзувчи Александр Солженицин мукофот пулига АҚШ да ҳовли-жой сотиб олган, Михаил Шолохов эса, пулини фарзандлари билан бирга оламни саёҳат қилишга сарфлаган.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2008 йил 9 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.Тошкент шаҳар Сергели туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 08.01.2008 йилдаги 10-07130/8345-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Сергели тумани А.Аҳмадова кўчаси 22-уйда сақланаётган, «ОДА3-9370» русумли, д/р ТН 39-71, и/ч йили номаълум бўлган тиркама. **Бошланғич баҳоси — 486 000 сўм.** 2.Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ФИБ Кармана туманлараро судининг 07.05.2008 йилдаги 1-647-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ҳамза тумани Мўйноқ кўчаси, 241-уйда «Шарқли Мелиса» МЧЖ худудида сақланаётган, «Нексия Донс» русумли, д/р 10BC630 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 12 000 000 сўм.**

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларини қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, х/р:20210000500571452105. Манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

«Toshkent metropoliteni» ДУК умумий майдони 9066 м², «Toshkent metropoliteni» 1050 м²га тенг 2 та ангарли омборхона ва офис биноларини ижарага беради.

Манзил: Тошкент ш, Ҳамза тумани, Сувбўйи — Кўприкли кўчалари. Маълумот учун тел: 239-89-27

ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КУЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА 4 НОЯБРДАН 11 НОЯБРГАЧА

Тошкент Давлат цирки барчани «Кувноқ карусел» цирк дастурига ТАКЛИФ ЭТАДИ

Унда Каптарлар, Мушуклар, Йўлбарссимон питон Жорик, Пакана отлар, Ламалар, Кучукчалар, Акробатлар, Гимнастлар, Чавандоз аёллар ва албатта, **КУВНОҚ МАСХАРАБОЗЛАР** маҳоратидан баҳраманд бўласиз!!!

Циркимизга келинг, бирга яйраб-кувнаймиз!!!
Томошлар соат 11.00, 13.00, 15.00 да бошланади.
Маълумотлар ва жамоавий тарзда келиш учун буюртмалар учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилинг:

244-35-91
244-32-23
244-35-94

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 1006

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Ўзлонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3282 нускада босилди.
Қоғоз биринчи А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига
муурожаат қилиши мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва сақланиди.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 6